

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА
УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ
(Хоразм вилояти саноат корхоналари мисолида)**

КИРИШ

I -боб. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг назарий асослари

- 1.1 Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
- 1.2 Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан фойдаланиш ва улар самарадорлигини ошириш йўллари
- 1.3 **Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини молиявий активларини бошқаришда инновация лизингининг ўрни**

II-боб. САНОАТ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- 2.1 “Шовот дон маҳсулотлари ” АЖи фаолиятининг молиялаштириш ва ривожлантиришда акционерлик капиталидан фойдаланиш
- 2.2 Корхона фаолиятни молиялаштиришда молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ва роли
- 2.3 Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ҳамда корхонанинг ривожлантириш истиқболлари

Хулоса

Иловалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий йўналтирилган бозори иқтисодиёти йўлининг танланиши хўжалик юритиш шакллариининг хилма-хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини тақозо этади. Бу ҳол республикамизда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг шаклланиши, хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – туман янги шакллариини ташкил топишига ва ўз фаолиятини юксалтириб боришига олиб келмоқда. Бугунги ишлаб чиқариш ва ноишлабчиқариш корхоналарининг кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдан иборат. Чунки ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдаги мустақиллик инвестицияларга нисбатан эҳтиёжни ошишига олиб келмоқда. Шунга кўра ишлаб чиқариш мақсадининг асослигини асослаш ҳамда уни инвестициялаш масалаларини ҳал этиш давр талаби бўлиб, уларни ҳал этишда алоҳида илмий изланишлар ва молиялаштириш манбаларини назарий жихатдан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчиликни барча шакллариининг бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ортиқча капитал танқислигининг юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай танқисликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган сармоялардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари фаолиятининг молиялаштириш манбалари ва улардан оқилона фойдаланишда ҳамда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришини алоҳида эътиборга олиш лозим.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантириш тажрибасидан маълумки, саноат корхоналарини молиясини ташкил этишда ички ва ташқи инвестицияларнинг ўрни бекиёс каттадир. Хусусан, саноат корхоналарида ортиқча капитал манбаига эга бўлиш, бу ушбу корхоналарнинг айрим соҳаларига янги инвестицион лойиҳаларни ишга туширишда юзага келадиган моддий таъминот муаммосини хорижий сармоя ҳисобидан қоплаш ва ҳоказо бирламчи муаммоли масалаларни ечимини топишда хорижий инвестиция маблағлари алоҳида характерланади. Тадқиқот мавзусини танлашдан кўзланган дастлабки ва асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларни ечимини топиш учун, мамлакат, хусусан саноат корхонаси молиясини ташкил этиш ва шакллантиришда нафақат хорижий инвесторлар капитали, шунингдек, ички имкониятлар капиталини имкон қадар кўпроқ жалб этишнинг янгича усулларини ишлаб чиқиш ва таклифлар

бериш ҳамда жалб этилган молиявий активларни янги инновацион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларининг назарий асосларини ўрганиш;

- Корхоналар фаолиятини молиялаштириш инвестициялардан фойдаланиш ва улар самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил этиш;

- Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарида ўз капитали ва молиявий активларини бошқаришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўрганиш;

- Бозор муносабатлари шароитида саноат корхонасининг ишлаб чиқаришдаги молиявий манбаалардан фойдаланишнинг объектив шарт-шароитлари ва имкониятларининг ҳозирги ҳолатининг молиявий иқтисодий таҳлил этиш;

- Саноат корхоналарини фаолиятини молиялаштириш манбаалари ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти саноат корхоналари фаолияти олинди.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар маҳкамаси Қарорлари, турли профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек таҳлил юритишда индукция, дедукция, таҳлил ва боғлиқлик, мавҳумийликдан аниқликка силжиш усуллари билан бир қаторда анализ, синтез, статистик ва математик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг ҳажми Битирув малакавий иши кириш қисми, иккита боб, олтита параграф, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг назарий асослари деб номланган бобида, бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, саноат корхоналарини молиялаштиришда инвестициялардан фойдаланиш ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини молиявий активларини бошқаришда инновация лизингини ўрни кўриб чиқилган.

Саноат корхонаси фаолиятини молиялаштириш манбалари ва ривожлантириш истиқболлари деб номланган иккинчи бобида эса “Шовот дон маҳсулотлари” АЖи фаолиятини молиялаштиришда акционерлик капиталидан фойдаланиш, корхона фаолиятини молиялаштиришда молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ва роли, шунингдек, саноат корхоналари фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари ўрганилган.

I- БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Президентимиз И.А.Каримов ҳозирги кун мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишга қаратилганлигини айтиб, хорижий сармояларни жалб этмай туриб, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтirmай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, илгари давлат тасарруфида бўлган корхоналарни турли мулкчилик шаклида бўлган корхоналарни тақазо этди, чунки мулк ўз эгасини топмас экан бозор шароитида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқармайди, бозорда ўз ўрнини топиш ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш самарасиз бўлади. 1991 йил 15 февралда Республикамизда «Корхоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ундан кейин «Ер тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти ва уни кўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларни химоя қилиш тўғрисида», «қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилиниб турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг фаолиятини юритишни ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Бу қонунлар республикамизга чет эл инвестицияларини кириб келиши учун кенг йўл очиб берди, чунки қонунларда чет эл инвестицияларига жуда хам кўп молиявий енгилликлар бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга 8,3 фоизга ўсган (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Республикада саноат ишлаб чиқариш динамикаси (фоизда)

Саноат корхона молияси бу иқтисодий пул муносабатларни пул ҳаракати мобайнида вужудга келиб турли хил пул фондларини ҳосил қилишни билдиради.

Саноат корхона молияси ўз муносабатларини амалга оширишда тўртта гуруҳга бўлинади.

1. Бошқа корхона ва ташкилотлар билан.
2. Корхонанинг ички молияси.
3. Юқори ташкилотлар билан.
4. Молия-кредит тизими билан.

Молия-кредит тизими билан алоқалар қуйидагилар:

1. Хар хил даромаддаги бюджет билан.
2. Банклар билан.
3. Суғурта ташкилотлар билан.
4. Бюджетдан ташқари фондлар билан.
5. Фонд бозорлари билан.
6. Инвестиция фондлари билан.

Саноат корхонаси пул фондлари билан:

- 1 Устав капитали
- 2 Асосий воситалар фонди
- 3 Айланма маблағлар фонди
- 4 Қўшимча капитал
- 5 Захира капитал
- 6 Жамғарма фонди
- 7 Валюта фонди.
- 8 Инвестиция фонди
- 9 Истеъмол фонди

10 Амортизация фонди

11 Бюджетга тўловлар фонди ва бошқа фондлар

Чет элга экспорт қилинган товарлар учун солиқлардан имтиёзлар бўлди. Экспортдан келган тушумни 30% ини корхонанинг валюта фондига тўғридан тўғри жорий сўтга ўтказилди ва уни давлатнинг захира, яъни валюта захирасига ўтказилади. Корхона ўз соф фойдасини пул фондларига сарфлайди. Корхонанинг фонд бозорлари билан бўладиган муносабатлари турли хилдаги фондларни хосил қилиш, уларни шакллантириш ва фойдаланишдан иборат. Масалан: Низом жамғармаси. Низом жамғармасига, ҳисобига корхонанинг асосий воситалари ва айланиш маблағлари шаклланади. Бу корхонанинг ўз маблағларининг асосий манбаси ҳисобланади.

Хиссадорлик жамиятида низом жамғармаси чиқариладиган барча акциялар қиймати билан тенг бўлиши лозим. Иш натижасига кўра низом жамғармаси миқдорини кўпайиши ёки камайиши мумкин, яъни кўшимча акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини ошириш орқали низом жамғармаси кўпайиши мумкин. Муомаладан акцияларни қайтариб олиш туфайли эса низом жамғармасини камайитириш мумкин.

Низом жамғармаси - корхоналарнинг ўз маблағларининг манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг низом жамғармаси асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисобига, акцияларни номинал қийматидан кўра баланд нархда сотиш ҳисобига, ишлаб чиқаришга бепул асосий воситаларни сотиб олиш ҳисобига кўпайиши мумкин.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш: асосан чуқур иқтисодий кризис вақтида ва пулнинг қадрсизланиши ҳисобига амалга оширилади, ҳозиргача бизнинг республикамизда асосий воситалар 7 мартадан ортиқ қайта баҳоланган бўлиб, бундай қайта баҳолаш жорий йилнинг 1 январь ҳолатига баҳоланиб келинмоқда.

Захира фонди бу фонд фойдадан ажратмалар ҳисобига ташқил қилинади. Фонднинг асосий мақсади бўлиб, фавқулотда зарарларни қоплаш, акцияларни қайта сотиб олиш ҳисобланади.

Жамғарма фонди бу фонд корхоналарнинг ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мўлжалланган. Бу фонд ўз олдига қуйган мақсадига эришиш учун инвестиция фондидан ва амортизация фондидан фойдаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона молияси ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, объектив категориядир. Лекин хўжалик юритиш амалиётида жамият ижтимоий ривожланиш жараёнига таъсир этиш учун ундан онгли равишда фойдаланади. Маълумки, саноат корхоналари молияси иқтисодий моҳиятига биноан мутлоқ категориядир. Бироқ, иқтисодиётда молиядан ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Молиянинг шундай фойдаланиш имконияти уларнинг табиатида мавжуд. Ушбу категория моҳиятини тўла-тўқис билиш эса ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий маблағлардан баракали ва кучли фойдаланиш имконини беради.

Молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мутлоқ шарт-шароитлари шу категориянинг тақсимлаш ва назорат функцияларида акс этгандир. Улардан биринчиси, молиявий маблағлар ва мақсадли пул фондларини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий эҳтиёжлари ва алоҳида тузилмалари талабларига биноан шакллантириш имконини беради. Иккинчиси (молиявий маблағларнинг муомаласи воситасида) жамиятдаги иқтисодий жараёнларнинг боришини акс эттириб, иқтисодиётда ва унинг айрим соҳаларида рўй бераётган барча жараёнларни беҳато қайд этиб боради.

Молия муносабатларнинг у ёки бу шакли шундай хусусиятга эгадир. Сифат жиҳатдан молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг объектив шарт-шароитларини рўёбга чиқариш молиявий маблағлар муомаласи қандай аниқ шаклларда рўй беришига боғлиқ бўлади. Айни ташкилий шакллар туфайли молиявий маблағлардан фаол фойдаланишнинг потенциал имкониятлари реал воқеликка айланади. Кундалик хўжалик фаолиятида молиявий маблағлар категориясининг ўзигина эмас, балки молиявий муносабатлар юзага чиқишининг аниқ шакллари муҳим бўлиб, бу хилма-хил шакллар давлат томонидан белгиланади. Молия категориялари ва уларнинг юзага чиқишининг ташкилий шакллари ўртасида катта фарқ бор: биринчиси ҳамиша объектив бўлиб, мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттиради, иккинчиси субъектив бўлиб, одамлар фаолияти билан боғлиқ.

Ташкилий шакллар туфайли молиявий маблағлардан иқтисодиётни бошқаришнинг фаол воситаси, иқтисодий кучли омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу восита иккита бошланмага эга: биринчидан, у объектив мавжуд иқтисодий муносабатларга боғлиқ, иккинчидан – давлатнинг қатъий молиявий сиёсатини амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Молиявий маблағлардан иқтисодий омил сифатида фойдаланиш, уларнинг жамоат ишлаб чиқаришига таъсири даражаси айни шу категориянинг моҳияти билан белгиланади.

Молиявий маблағларнинг иқтисодий табиати, уларнинг ижтимоий вазибалари шундай чегараларни ҳам шарт қилиб қўядики, бунда молиявий маблағлар ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида қўлланилади. Молиявий маблағлар хўжалик юритишнинг иқтисодий омил сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сифат ва миқдорий жиҳатдан таъсир кўрсатади. Миқдорий жиҳатдан таъсир – сарфланган, тақсимланган ва фойдаланилаётган молиявий маблағлар нисбати билан характерланади, сифат жиҳатдан таъсир эса – ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг моддий манфаатларига молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари орқали молиявий таъсир кўрсатишда акс этиши билан белгиланади. Ижтимоий ёки жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жиҳатидан таъсир кўрсатиш имконияти яратилган ва тақсимланаётган молиявий маблағларнинг ҳажми билан белгиланади. Молиявий маблағларнинг ҳажми ва уларни тасарруф этишга йўналтириш ишлаб чиқаришнинг қўшимча воситаларини тақсимлаш (улар билан улгуржи савдо қилинган тақдирда), корхонанинг техникавий таъминланганлиги даражаси ва бошқалар нисбатига таъсир кўрсатиши мумкин. Хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилган молиявий маблағлар

миқдорини ўзгартириб, маблағлардан ниҳоятда самарали фойдаланиш йўлларини белгилаб, молиявий маблағларни энг муҳим соҳаларга йўналтирилишига эришиб, жамият ишлаб чиқариши ўз талабига мос йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатади. Молиявий маблағларнинг сифат жиҳатидан қайта ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш имкониятларига боғлиқ бўлиб, молиявий жиҳатидан таъсир кўрсатишда молиявий маблағларнинг йириклиги эмас, балки қай тариха шакллантирилиши, уларнинг характери ва харакатланиши, улардан фойдаланиш қандай шакл ва шарт-шароитларда рўй берилиши муҳимдир, сифат таъсири молиявий маблағларнинг иқтисодий тараққиёт стимулига айланиши билан боғлиқ. Агар молиявий маблағларни шакллантириш тартиби, пул фондлари ва шакллантириш шартлари, қоидалари ва усуллари, шунингдек уларни йўналтириш хилма-хил хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари билан уйғунлаштирилгандагина шундай айланиш содир бўлади.

Молиявий маблағларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга миқдор ва сифат жиҳатидан таъсир кўрсатиш имкониятларидан яқин вақтларгача тўла фойдаланилмади. Яқин ўтмиш шундан далолат берадики, хўжалик юритишнинг қуйи бўғини, ўрта ва олий ҳокимият табақаларида ҳам фаолиятнинг молиявий томонига беписандлик билан қараб келинди. қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида яхши иш натижалари ҳисобига йирик миқдорларда молиявий маблағларнинг олинishi саноат корхоналарига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникавий ва технологик янгилаш, маблағларни ўзлари истаган соҳаларга сафарбар этиши имконини берар эди. Молиявий маблағлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат режасига кўра олинар ва тақсимланарди, бунда муайян корхонада хўжалик юритиш самарадорлиги инобатга олинмас эди.

Молиявий маблағларнинг жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жиҳатидан таъсир кўрсатиши имкониятларига ҳам шундай эътиборсизлик қилинди. Молиявий тизимнинг барча соҳалари ва бўғинларидаги молиявий муносабатлар шакллари бир неча ўн йиллар мобайнида жиддий ўзгармаганлигини айтишнинг ўзи kifоя. Ваҳоланки, улар хўжалик самарадорлигини ошириш вазифаларидан келиб чиқадиган талаблардан жиддий орқада қолган эди. Саноат корхоналарнинг бюджетга тўловлари фискал хусусиятга эга бўлиб, даромадни тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини шакллантириш самарали хўжалик юритишдан манфаатдорликка деярли таъсир кўрсатмасди, бюджетдан молиявий таъминлаш боқимандалик ва молиявий маблағлардан фойдаланишда масъулиятсизлик кайфиятларини кучайтирарди.

Шу сабабли, 90 – йилларга келиб, иқтисодиётда молиявий муносабатларнинг барча тизимларини кескин қайта қуриш давр талаби бўлиб қолди. Туб ўзгаришлар ва ислохотлар молиявий ўзаро муносабатларнинг шундай шаклларига ўтиш имкониятини берадики, улар иқтисодиётда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари қоидалари асосида фаолият кўрсатишга муваффақ бўлиб, молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради, уларнинг ўсиши учун асос яратади. Молиявий

соҳадаги ўзгаришларнинг ютуғи кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришга молиявий маблағлар таъсири учун иқтисодий имкониятлар таъминланишига боғлиқ бўлади. Молиявий маблағлар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Гап бу имкониятни ниҳоятда пухталиқ билан тўла-тўқис ҳисобга олиш, уни имкон қадар максимал амалга оширишдадир.

Саноат корхоналари молиявий маблағлари корхона иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу икки нарсага боғлиқ. Биринчидан, молиявий маблағлар тақсимот категорияси бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнига умумий хизмат кўрсатади, уларнинг таъсир доираси тақсимот, айирбошлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларига таъсир билан чекланмайди. Ва иккинчидан, молиявий маблағлар тақсимлаш хусусиятидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларнинг катализатори хусусиятига эга экани билан белгиланади.

Молиявий усул билан амалга ошириладиган тақсимот моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бошланади ва моддий ишлаб чиқариш жараёнининг тўрт босқичи билан белгиланади. Бунда айни маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи ҳал қилувчи босқич бўлиб, шу босқичда ижтимоий маҳсулот яратилади. Тақсимот босқичи ишлаб чиқариш билан яқиндан боғлиқ бўлиб, унга бевосита дахлдордир, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотнигина тақсимлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш – бу барча ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик субъектлари ва давлат кўлидаги молиявий ресурслар ҳисобига конлашдир.

Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг кўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндисидир.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларининг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувиغا шарт-шароит яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари фаолиятини асосий молиялаштириш ресурсларнинг манбалари қуйидагилардир:

1. Соф даромад. Саноат корхонаси ялпи даромадининг соф даромад қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар. Бу манбага айниқса, мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг 1-босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа Иттифоқи Комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Дастлаб ХВФдан 74 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 160 млн. АҚШ доллар, 1993-94 йил ичида 21 мамла-

катдан жаъми 75 млн. доллар миқдорда турли мақсадларга мўлжалланган ёрдам олинди. Ташқи савдо обороти йилдан йилга ошиб бормоқда.

3. Корхона низом жамғармасининг бир қисми – устав капитали маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- суғурта ташкилотларидаги резерв фондлари;
- корхона тасарруфида бўлган қимматли қоғозларни бир қисмини сотишдан тушган тушум;
- ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқа.

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- банк кредитлари;
- кредиторлик қарзлари;
- давлат ва хорижий ўрамда халқаро ташкилотлар грантлари
- акция ва облигациялар чиқаришдан тушум;

Молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги молиявий ресурсларнинг ҳам турли-туманлигини келтириб чиқаради. Молиявий ресурсларнинг асосий элементлари қуйидагилардир:

- фойда;
 - турли солиқлар (ҚҚС, акцизлар, фойда солиғи, мулкый солиқлар, даромади);
 - суғурта ташкилотларининг маблағлари;
 - амортизация ажратмалари;
 - ташқи иқтисодий алоқалардан тушум;
- аҳолидан тушумлар.

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши саноат корхонаси даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигининг ошиши.
2. Меҳнат унумдорлиги.
3. Фонд сиғимининг камайиши.
4. Фонд қайтимининг ошиши.
5. Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.

Шунингдек, саноат корхонаси молиявий ресурсларининг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар корхона молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади.

Саноат корхоналари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашмаган молиявий ресурслар бўлиб, улар:

- капитал қўйилмаларга;
- айланма маблағларнинг ошишига;
- фан - техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришга;
- табиат муҳофазасига ва ижтимоий мақсадларга сарфланиши мумкин.

1.2. Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан фойдаланиш ва улар самарадорлигини ошириш йўллари

Хўжалик фаолиятининг элементларидан бири инвестиция ҳисобланади. Инвестиция лотинча “investire” (кийинтириш, ясантириш), немисча “investition” сўзидан келиб чиқиб, узок муддатга қандайдир ишга ёки корхонага капитал маблағ қўйишни билдиради. Инвестиция сўзидан инвестор - омонатчи сўзи келиб чиқиб, у омонат берувчи шахс, ташкилот ёки давлатни англатади. Инвесторлар қаторига қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзларининг бўш маблағини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам киради.

Молиявий ва номолиявий инвестицияларни жорий қилиш бўйича амалий фаолиятлар мажмуаси инвестицион фаолият деб юритилади. Асосий фондларни ишга тушириш, реконструкция ва модернизация қилиш капитал қурулиш деб юритилади.

Инвестиция - бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол-мулкга, интеллектуал мулкга, неъматларга бўлган ҳуқуқга ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади.

Инвестиция (сармоя) - бу фойда олиш мақсадида муайян ишга йуналтирилган узок муддатли капитал қўйилмадир. Инвестициялар молиявий ва реал бўлиши мумкин.

Молиявий инвестицияга қимматли қоғозлар, акциялар, акцияларни сотиб олиш, фоиз эвазига банкларда депозит ҳисоб рақамларга пул қўйиш киради.

Реал инвестиция эса капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга капитал қўйилишини англатади.

Нормал фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг асосий хўжалик вазибаларидан бири максимал даромад олиш мақсадида ўз пулидан унумли фойдалана олиш ҳисобланади. Эркин бозор шароитига ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакатда муайян молиявий қийинчиликларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. Бундай ҳолатлар Ўзбекистон Республикасида ҳам истисно эмас.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, унинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишида ишлаб чиқаришнинг жаҳон андозалари асосида юритилиши муҳимдир. Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жалб этишда хорижий сармояларга кенг ўрин берилмоқда. Бу борада шахсан республика Президентининг ўзи жонбозлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган, хорижий инвестициялар киритиш учун янада кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бир қаторда республика иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатувчи қатор

муаммолар борки, уларнинг айримлари устида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий қонунлардан маълумки, моддий-техника, хом ашё ресурсларининг захиралари чекланган бир пайтда одамларнинг эҳтиёжлари ўсиб бормокда. Бу эса янги, юқори унумли тежамкорлик билан ишловчи техника ва технологиядан фойдаланган холда кўплаб корхоналар барпо қилинишини ва иш жойлари яратилишини тақозо этади.

Ривожланган давлатларда ишга яроқли аҳолининг 20% га яқини йирик корхоналарда, 80% дан зиёд қисми кичик корхоналарда ва тижорат соҳасида ишласа, Ўзбекистонда технологияларнинг етишмаслиги, бу борада ахборотнинг камлиги, норматив хужжатлар зарур даражада ишлаб чиқилмаганлиги, умуман бизнес ишида тажрибанинг етишмаслиги туфайли бу нисбатнинг бутунлай аксинча эканлиги кўзатиш мумкин.

Ноқийматли активларга, яъни реал капиталга қўйилган инвестиция асосий капитални янгилаш ва тақдор ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Молиявий (пул) капиталга (молиявий маблағларга кредит сифатида, қимматбаҳо қоғозларга) қўйилган инвестицияни бир қисми тезлик билан реал капиталга айланиши мумкин, иккинчиси - кенгроқ, яъни қандайдир вақт ўтгандан кейин, учунчиси эса - умуман реал капиталга айланмаслиги мумкин (Масалан: чиқарилган ёки сотиб олинган қимматбаҳо қоғоз ўз қийматини йўқотса, оддий сўз билан айтганда синса). Шу сабабли молиявий инвестицияда инвесторга молиявий хатар кўпроқ бўлади.

Инвестиция молия бозорининг элементи ҳисобланади. Молия бозори муайян молия муассасалари орқали ўзаро алоқада бўладиган мулк эгалари билан сармоя, қарз олувчилари ўртасидаги муносабатни ифода қилади.

Акция ва облигациялар инвестиция қимматли қоғозлари деб юритилади. Молия бозорида қимматли қоғозларнинг бошқа турлари - хазина мажбуриятлар; депозит сертификатлари; векселлар; варрантлар ва ҳоказолар муомалада юради.

Инвестиция жамиятни иқтисодий ривожланишига ва ҳар бир жамият аъзосини моддий фаровонлигини оширишга таъсир қилувчи омил ҳисобланади.

Инвестиция корхона активига, янги маҳсулот ишлаб чиқиш, уларни сифатини ошириш, маҳсулотни сотишни ва фойдани кўпайтириш учун қўйилладиган маблағ. Шу сабабли инвестиция ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, капитални оддий ва кенгайтирилган тақдор ишлаб чиқаришни, янги иш жойларини ташкил қилишни, иш ҳақини ва аҳолини сотиб олиш қувватини оширишни, давлат ва маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтиришни таъминлайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан инвестиция асосий ва айланма маблағларни жамғаришни англатади. Молиявий нуқтаи назардан молиявий ресурсларни даромад (фойда) олиш учун тўплашни кўрсатади. Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назардан ҳисоботнинг актив ва пассивининг бир неча моддаларига ишлатилган капитал харажатларни бирлашишини ифода қилади.

Инвестицияларнинг амал қилиниши бўйича қуйидаги турларга таснифланади:

1. Мақсади бўйича - фойда олиш учун, ижтимоий ва экологик эҳтиёжлар учун.

2. Объекти бўйича - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш.

3. Натурал-моддий кўриниши бўйича - моддий, номоддий ва молиявий.

4. Худудий келиб чиқиши бўйича - миллий ва чет эллий.

5. Молиялаштириш манбалари бўйича - хусусий (амортизация, фойда, сотилган нарсалардан тушум) ва омонатга олинган (кредит, лизинг ва бошқалар).

6. Ишлаб чиқариш инвестициясини йўналишлари бўйича - асосий капитални янгилашга, қўзғалмас мулкни, айланма маблағни кўпайтириш учун, янги маҳсулот яратиш учун, маҳсулотни сифатини ошириш учун.

7. Корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш омили бўйича - тўғридан тўғри ёки бевосита; портфел.

Тўғридан тўғри ёки бевосита инвестициялар - чет эл капиталини тўғридан-тўғри киритилишини билдириб, инвесторга ушбу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Инвестицияни ушбу тури трансконтинентал (бошқа қитъа континентга сармоя киритиш), капитал қўйилмалари ҳамда трансмиллий (қўшни давлатларга капитал чиқариш сифатида амалга оширилади) капитал қўйилмалар сифатида намоён бўлади.

Портфел инвестициялар лицензион ва франчайзинг келишувлари, маркетинг хизмати ҳақидаги контрактлар асосида ташкил қилинса корхоналарни бошқариш ҳуқуқини беради.

8. Амал қилиш муддати бўйича - қисқа ва узок муддатли инвестициялар мавжуд.

9. Келиб чиқиш ҳудуди бўйича - миллий ва хорижий инвестициялар.

10. Таввакалчилик даражаси бўйича - таввакалчилиги паст, ишончли ва таввакалчилиги юқори, спекулятив инвестициялар.

Инвестицияни бир тури бу - аннуитет. Аннуитет аҳолининг шахсий инвестицияси бўлиб, омонатчига қандайдир бир давр ичида ёки доирасида унга даромад беради. Аннуитет асосан суғурта ва пенсия жамғармаларига маблағ қўйишни англатади.

Инвестиция муассасаларига молия брокерлари, инвестиция компаниялари (диллерлар), инвестиция соҳаси бўйича маслаҳатчилар, инвестиция фондларидан иборат бўлиб, улар инвестиция бўйича воситачилик, қимматли қоғозларни чиқаришни йўлга қўйиш, уларни учинчи шахслар фойдасига жойлаштириш бўйича кафолатлар бериш, акциялар чиқариш каби ишлар билан шуғулланади.

Инвестиция ресурслари иқтисодиёт тармоқларини ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий омили вазифасини бажаради. Инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларида ҳамда аҳолининг фойдаланилмаётган маблағларини тўпланиш натижасида, уларни бошқа жараёнларда ишлатилишини таъминлайди.

Корхона нуқтаи назаридан инвестиция манбалари:

- улар ўз маблағлари (фойда, амортизация, бошқа пул жамғармалари);
- қарзга олинган маблағлар (банк кредити ва бошқа ташкилотларни омонатлари);

- бошқа жалб қилинган маблағлар (акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан келган даромадлар);
- бюджетдан ташқи маблағлар ташкил қилади.

Инвестиция манбаларини унинг таркибидан келиб чиқиб молиявий ва моддий ресурсларга ажратиш мумкин.

Молиявий манбаларга - нақд пул; чет эл валютаси; халқаро тўлов пуллари; акциялар; заёмлар; корхоналар маблағлари; амортизация фонди киради.

Моддий ресурсларга - хом-ашё ресурслари; кўчмас мулк; жамоа-ширкат-хўжалик мулки; фермерлар мулки; деҳқон хўжалик мулки; тадбиркорлар мулки киради.

Инвестиция манбаларини шакллантиришда молия бозори ва унинг инфратузилмаси муҳим аҳамиятга эгадир. Молия бозорининг асосий мақсади муамоладаги ортиқча бўлган пул ресурсларини актив капитал сифатида ишлаб чиқаришга жалб қилишдан иборатдир.

Молия бозори жуда кенг маъноли тушунча бўлиб, у доимо пайдо бўладиган жамғармалардан самарали фойдаланиш жараёнини ўзида ифодалайди.

Молия бозори ҳаётда вужудга келган жамғармаларни (оилада, корхонада) бир турдан (жамғармаланиши) иккинчи турга (реал капиталга айланиши) ўтишини таъминловчи механизмдир.

Ҳозирги замон молия бозорининг асосини молия муассасалари ва воситачилар ташкил қилади. Улар сотувчилар ва харидорлар, ҳамда сотиладиган ва сотиб олинadиган товар, пул ва бошқа молия активлари мавжуд бўлган бозордир.

Молия бозорининг таснифи иловадаги 1.1.-чизмада тасвирланган.

Инвестицияларни объектларга қўйиш соҳаларига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- кам қўлланиладиган инвестицион маблағлар, яъни, кўриқ (бўш ётган) ерларни ўзлаштириш, меҳнат ресурсларидан вақтинча фойдаланиш (мутахассислар ва раҳбарлардан) ва ҳ.к.;

- маълум ҳажмда талаб қилинадиган инвестиция маблағлари;

- режалаштирилган инвестициядан олинadиган даромадга таъсир этувчи бошқа инвестицион шароитлар, яъни режалаштирилган асосий инвестиция маблағларига қўшимча инвестиция маблағларини жалб этиш йўли билан инвестициядан келадиган фойдани ошириш;

- фаолиятга қўйилган шаклига қараб, инвестиция ўз ҳаракатида даромадларни ошириш ёки камайтириш, хавф-хатарни камайтириш, меҳнат жамоасини манфаатдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришга йўналтирилишини таъминлаш зарур;

- қўшимча инвестициялар харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқишни ва сотишни ошириш, қўшимча даромад олишни таъминлашга йўналтирилиш керак;

- маълум ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар таркиби ишлаб чиқаришни ихтисослашувига қараб тақсимланиши даркор;

- инвестициялар ресурсларни тежаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш, корхона имджини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказоларни таъмилаши ҳам зарур.

Инвестиция фаолияти алоҳида таркибий қисмлардан иборат бўлиб, инвестиция стратегиясини аниқлаш, стратегик режалаштириш, инвестициявий лойиҳалаштириш, лойиҳаларни таҳлил қилиш ҳамда инвестицияни самарасини аниқлаш кабилардан иборат бўлади.

Корхона мисолида инвестиция стратегиясини аниқлаш - бу келажак даврга корхоналарни асосий фаолиятларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш, шу жумладан ўз маблағлари ҳисобидан ва бошқа инвесторлар ҳисобидан харажатларни қопланиш миқдорини аниқлаш. Корхона активларини ҳажмини ва рентабеллигини прогноз қилиш. Стратегик режада активларга бўлган эҳтиёж ва уни таъминлаш ресурслари узоқ муддатга аниқланади.

Инвестицион лойиҳа бу инвестицияни техник-иқтисодий асослаш бўлиб, у инвестицион фаолият иштирокчиларини (мулкдор, тадбиркор, банкир, давлат ва халқаро ташкилотлар кабилар) иқтисодий ахборотномаси, уларни ўзаро алоқаларини боғлайди ҳамда тушинтиради. қисқа қилиб айтганда инвестиция лойиҳаси инвестициядан фойдаланиш режасини англатади.

Инвестиция лойиҳасини самарадорлигини ҳисоблаш - бу инвестициядан келадиган самара кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Инвестиция лойиҳасини асоси бу капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборат. Шу сабабли Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлиги орқали аниқланади.

Жамият миқёсида капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти (K_c) миллий даромаднинг ўсиш миқдорини ($\Delta MД$) капитал қўйилмалар суммасига (K_k) нисбатан аниқланади. Яъни:

$$K_c = \frac{\Delta MД}{K_k}$$

Корхона миқёсида K_k инвестиция самарадорлиги (капитал қўйилма) коэффициенти ($K_{к.с}$) куйидагича ҳисобланади.

$$K_{к.с} = \frac{M_k - T}{K} \quad \text{ёки} \quad \frac{\Phi}{K}$$

Бу ерда: M_k - йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;
 T - йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннархи;
 Φ - йиллик фойданинг миқдори.

Кўп вариантли капитал қўйилмалар лойиҳаси самарадорлигини аниқлаш учун ҳар бир вариантдаги харажатларни минимумга келтириш йўли билан аниқланади. Яъни:

Бу ерда: $T_i - i$ $T_i + E_n * K \rightarrow \min$ варинатдаги

харажатлар;

E_n - капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффиценти;

K - капитал қўйилмалар суммаси.

Солиштирилаётган вариантлар ҳар хил даврга мўлжалланган бўлса, бундай шароитда вариантлар (B) келтирилган коэффицентлар бўйича аниқланади.

Яъни:

$$B = \frac{1}{(1 + E_{n-b})} * t$$

Бу ерда: E_{n-b} - ҳар хил даврдаги харажатларни келтириш нормативи;

t - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Инвестиция самарадорлигини аниқлашда унинг ўзини қоплаш муддати, хавф даражаси, инфляцияни ошиш темпи, келажакда солиқлар миқдорини ўзигариши кабилар ҳисобга олиниши шарт. Чунки инвестицияни қулай ва самарали соҳага қўйиш инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон амалиётидан шу маълумки пулни банкларда сақлаш энг қулай ҳисобланади, чунки омонатчи ундан процент олади.

Пулни инвестиция қилиш (ишлаб чиқаришга қўйиш ёки қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш) инвесторга фақатгина унга банк тамонидан бериладиган процентдан кўпроқ даромад келтирсагина фойдаликроқ бўлади. Бу инвесторлар учун биринчи қоида бўлиб ҳисобланади.

Инвесторларнинг иккинчи қоидаси - инвестиция рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлиши керак.

Шундай қилиб, инвестиция самарадорлигини ҳисоблаганда юқорида келтирилган қоидаларда келтирилган кўрсаткичларни солиштирма таҳлили катта аҳамиятга эга.

Инвестиция лойиҳасини баҳолашда харажатлар ва даромадларини ҳар хил даврга солиштирма таҳлили катта аҳамиятга эга. Чунки харажатлар бирон даврда ишлатилади, даромад эса нафақат бирон даврдан кегин, у асосан харажатлар амалга оширганган кейин кела бошлайди. Шу сабабли даврий пул қиймати деган тушунча ишлатилади. Ушбу кўрсаткич олдин олинган 1 сўм кейин олинган 1 сўмдан қимматроқ туришини англатади.

Шу сабабли иқтисодий ва молиявий таҳлилда сўмнинг жорий ва келажакдаги қийматини ҳисоблайди, таҳлил қилади. Бундай ҳисоб-китоблар дисконтирования деб юритилади.

Дисконтлаштириш инвестиция ёки пул оқимларини келгусидаги қийматининг жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Дисконтлаштириш мураккаб фойиз ҳисоблашнинг тескари жараёнидир. Мураккаб фойиз усули орқали инвестициянинг келажак қиймати ($I_{к.к.}$) куйидагича аниқланади.

$$I_{к.к.} = I_{ж.к.} * (1 + Ч)^n$$

Бу ерда: $I_{ж.к.}$ - инвестицияни жорий қиймати;

$Ч$ - банк фойизи ставкаси;

n - йиллар сони.

Масалан: банк фойизи 10% бўлган ҳолда 5 йилдан кейин 1 сўмнинг қиймати қ $1 \cdot (1\text{Қ}0,1)^5$ қ $1 \cdot 1,55$ қ $1,55$ сўмни ташкил қилади.

Ушбу кўрсаткични дисконтлаштириш усули билан инвестициянинг жорий қиймати аниқланади. Бунинг учун инвестицияни келажак қийматини (1Қбанк фойизи) мўлжалланган йиллар сони даражасига бўлиш билан аниқланади, яъни:

$$I_{ж.к.} = \frac{I_{к.к.}}{(1 + Ч)^n} = I_{к.к.} * 1/(1 + Ч)^n$$

Масалан: банк фойизи 10% бўлган ҳолда 20 йилдан кейинги 1 сўмнинг жорий қиймати қ $1:(1\text{Қ}0,10)^{20}$ қ $1:1,10^{20}$ қ $1:6,7$ қ $0,15$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб дисконтлаштириш йилма йил кетма-кетликда даромадлар, харажатлар потокларини дисконт ставкасига асосли бир-бирига келтириш йўли орқали келажакдаги даромад ва харажатларни жорий қийматини белгилаб олиш учун инвестицияни иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишда ишлатилади.

1.3. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини молиявий активларини бошқаришда инновация лизингининг ўрни

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ушбу корхоналарни бошқариш ахволни янада мураккаблаштиради. Сармоялар соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири давлат томонидан сармоя қўйишнинг қисқартирилиши ҳисобланади.

Инвестицион соҳа ислохотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига ҳам муҳим ўрин ажратилади. Корхоналар, мулкни ва акцияларини сотиш ҳисобига капитал қўйилмаларини молиявий таъминлаш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади, деб ҳисобланади. Аммо акцияларга талабнинг сустлиги ва катта қисми меҳнат жамоаси ҳамда маъмуриятга бirkитилганлиги туфайли бир қатор ҳолатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилган натижадан паст бўляпти.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи сармоядорларни жалб этиш учун эркин бозорда ўз акцияларини жойлаштиришда уларнинг манфаатдорликлари ҳисобга олинмаган, корхонада қизиқтириш механизми яратилмаган. 2008 йил бошидаги маълумотларга кўра, акциядорлик жамиятлари аввал эълон қилинган эмиссия акцияларининг деярли 39 млрд. сўмлиги сотилмаган ва қайта жойлаштирилмаган. Акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни акцияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг баҳосини кўтариш ҳисобига қўшимча инвестициялар тушириш манбаига айлантирилмади, Инфляциянинг пасайиши, банк фоизи ставкаларининг камайиши ва давлат қисқа муддатли облигацияларининг даромадлилиги иқтисодиётнинг реал тармоғига катта миқдорда кредит ресурсларини жалб этишга кўмак бериши керак. Лекин ҳозирча бу захиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтиришга интилаётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси юзага келди. Мамлакат ичкарасида молиявий захиралар тақчиллиги сезилаётгани туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилмади. Бугунги кунда хорижий сармояларни кенг қўламда жалб этиш халқ хўжалигини структуравий қайта кўришга эришишнинг муҳим шarti, деб қаралмоқда. Лекин бу ўринда энг асосий муаммо шундаки, бизнинг тадбиркорларнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли хорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга сармоялар қўйишга фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишида пул ишлаш йўли деб қарамайдилар. Улар бундай сармоя киритишни ўз умумий стратегиясининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Хорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвестицияларга иқтисодиётни кўтаришда асосий ҳаракатлантирувчи

куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишда, аввало, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим. Шунинг назарда тутиш керакки, агар корхона устидан назорат юритиш хорижий тадбиркорлар кўлида булса, у ҳолда қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва даромад мамлакатдан ташқарига кўчади. Корхона эгалари назарида фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун бутунлай зарарли бўлиб қолиши мумкин.

Мисол учун агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимлари даромади ҳам йўқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этишда, бу лойиҳада иштирок этаётган барча томонлар манфаатларининг мутаносиблигига асосланиш лозим. Аммо манфаатлар келишиб олинган тақдирда ҳам бу иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар корхоналарининг хорижий шериклар билан ҳамкорлиги муваффақиятли бўлади, деган маънони англатмайди. Одатда хорижий инвесторларни корхона фаолиятининг 4 муҳим жиҳати қизиқтиради:

ишлаб чиқариш имкониятлари;

- корхонанинг бозор нуқтаи назаридан тутган мавқеи ва бунинг корхона раҳбарияти томонидан тушунилиши;
- бошқарув тизимининг ахволи;
- корхонанинг ижтимоий муҳит билан муносабати;
- корхона раҳбарияти томонидан инвестицион жараён вазифалари ва мураккаблиklarининг англаниши.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиришмоқда. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг харажатлари бирмунча бир-бирига зиддир. Бир томондан, маъмуриятлар уз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолишни истасалар бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ташкил қилиниши ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайдилар.

Корхона раҳбарлари ва ташқи инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараёни тасаввур этишлари қийин кечишини кўрсатиш мумкин. Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараёнининг бир мунча мураккаб босқичи - бу сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичида иборат. Олинган маблағнинг самараси, ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди.

Бундай муносабатни қисқача қуйидагича ифодалаш мумкин: «Менга пулни беринг, уни қандай сарфлашни ўзим биламан». Лекин инвесторлар хайрия ишлари билан шуғулланишмайди, юқорида таъкидланганидек улар маблағни ўз шахсий манфаатлари йўлида сарфлашади. Уларнинг ўз

сармоялари қўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхонани назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турган давлат хисобланади ва инвестицион муҳитнинг ҳамма хусусиятлари Ўзбекистон учун ўринлидир.

Хозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётига турли мамлакатлар томонидан киритилаётган сармояларни, республикадаги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини:

1. Халқаро молия ташкилотларининг инвестициялари;
2. Халқаро банкларнинг инвестициялари;
3. Чет мамлакатлар ҳукуматлари ажратган инвестиция маблағлари;
4. Миллатлараро компаниялар инвестициялари.

Ўзбекистонга сармоялар дунёдаги турли китъа мамлакатлари ва халқаро банклар томонидан қўйилмоқда.

Яқин йилларгача лойиха деганда, қурилиш, қурилиши кўзда тутилган бино ва иншоотларнинг ҳужжатлаштирилган режалари тушунилар эди. Хозирги кунга келиб бу тор тушунчага айланиб, «Лойиха»нинг бутун мазмунини ифода қолди.

Лойиха тўғрисидаги хозирги давр тушунчаси, бу комплекс тушунча бўлиб, жамият ҳаёти ва фаолиятининг турли томонларини ўзида мужассамлаштиради. Масалан, турар жой биноси ёки саноат объекти қурилиши, илмий текшириш ишлари дастури, корхона реконструкцияси, янги ташкилот барпо этиш, янги техника ва технологияни яратиш, кинофильм яратиш, минтақани ривожлантириш ва х.к. Буларнинг барчаси лойихадир. Демак, лойиха деганда унинг доирасида шаклланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш бўйича бошқарув қарорлари ҳамда тадбирлар тизими тушунилади. Бунда унинг элементлари қуйидагилардан иборат: ғоя (муаммо, масала), амалга ошириш воситалари (ечим) ва амалга ошириш мақсадлари (ечим натижалари).

Лойихаларнинг ҳаётлигини таъминлаш учун уларни бошқариш услубларидан фойдаланиш зарур бўлади. Лойихаларни бошқариш зарурияти ривожланган ғарб мамлакатларида XX асрнинг 50-йилларида юзага келди. Шундан бошлаб лойихаларни бошқариш усули ва услублари яратила бошланди.

Саноат корхонасининг қайси тармоққа тааллуқли эканлигига, унинг кўлами, таркибий тузилмаси, ишлаб чиқариш профилига қараб, техник тайёргарлик кўриш ишларининг ҳажми сезиларли ўзгариши мумкин ва бунга боғлиқ ҳолда техник тайёргарлик кўриш давомийлиги ва бу мақсадда қўлланиладиган ресурсларнинг ҳажмлари ҳам ўзгаради. Ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг қуйидаги шакллари маълум:

- тўлиқ шакл, бу шаклда ҳам техник жихатдан мураккаб профили оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш корхонаси махсулотини такомиллаштириш (модернизациялаш) ёки янги махсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишларини ташкил этишда фойдаланилади ва у ўзида «фан-техника ишлаб чиқариш» тизими бўйича турли ишлар циклини мужассамлаштиради;

- кичик шакл, бу шакл конструктив ва технологик жихатдан мураккаб бўлмаган махсулотларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўришда қўлланилади;

- технологик шакл, у мураккаб қурилмаларни, технологик линияларни, бошқарув тизимларини жорий этишда қўлланилади.

Кўрсатилган шакллар ўртасида аниқ кўзга ташланувчи чегара йўқ. Тармоқ хусусиятларига кўра корхона бу шакллардан бирини кўпроқ қўллаши ёки аралаш шакллардан фойдаланиши мумкин. Машинасозлик саноати, масалан, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш махсулотларини чиқарар экан, одатда техник тайёргарликнинг тўлиқ шаклидан фойдаланади

Ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш бўйича барча ишлар қуйидаги босқичлардан иборат:

- техник маркетинг;

- илмий тадқиқот, лойиха-конструкторлик ва тажриба-синов ишлари;

- технологик тайёргарлик, яъни технологияни ишлаб чиқиш, қурилмаларни жойлаштириш лойихаси, ишлаб чиқариш потоклари, махсус қурилмалар, асбоб-ускуналарни лойихалаш ва тайёрлаш, қурилмаларни созлаш ва бошқалар;

- ташкилий ва ишлаб чиқариш-хўжалик ишлари: кадрлар тайёргарлиги, моддий-техника таъминоти, молиялаштириш ва хоказолар комплекси.

- Техник тайёргарлик ишларининг барча босқичлари ўзаро боғлиқдир. Масалан, тадқиқот ишлари маркетингдан бошланиб, янги махсулот намуналарини ишлаб чиқаришга бевосита тайёргарлик кўриш босқичида тугайди ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- махсулот нархининг жорий ва потенциал даражасини ўрганиш;

- янги махсулот ва хизматларни реклама қилиш шакллари ва кўламини аниқлаш, усулларини ишлаб чиқиш;

- корхона бошқаруви ва ташкилланишини қайта кўриш.

Саноат корхоналари бўйича тузиладиган лойихалар асосан саноат тармоқлари корхоналарининг қайта реструктуризация қилинишини ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, тиббиёт ускуналари ва дори-дармон ишлаб чиқариш, қоғоз ишлаб чиқариш, табиий терига ишлов бериш ва ундан тайёр махсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни янада ривожлантириш масалаларининг хал этилишини таъминлаши лозим.

Саноат корхоналарининг бозордаги мавқеи у ишлаб чиқараётган махсулотга боғлиқ бўлгани сабабли, янги махсулотни лойихалашда энг яхши махсулотлар, чет корхоналар жалб этилади ва уларнинг ишлари мувофиқлаштирилади.

Ишни бажарувчиларнинг ихтисосига қараб, иш улар ўртасида белгиланган стандарт босқичлар бўйича тақсимланади.

Буюмни лойихалашнинг стандарт босқичлари қуйидаги тартибдаги ишларни амалга оширишни назарда тутаяди:

- эскиз лойихани ишлаб чиқиш;

- тажриба-синов намунасини тайёрлаш;
- синовдан ўтказиш;
- техник лойихани ишлаб чиқиш;
- ишчи лойихани ишлаб чиқиш;
- тажриба партиясини ёки буюмнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш;
- синов натижалари бўйича буюмни конструктив даражага етказиш;
- ишчи лойихага аниқлик киритиш ва уни расмийлаштириш;
- ишчи лойихани ишлаб чиқаришнинг технологик тайёрлов органларига

ошириш.

Янги махсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда технологияларни лойихалаш буюмни лойихалаш босқичининг давоми ҳисобланади. Лойихалаш босқичида янги махсулотнинг қандай бўлиши аниқланса, технологик тайёргарлик кўриш босқичида бу буюмнинг қандай усулда, қандай техник қурилмалар ёрдамида тайёрланиши аниқланади ҳамда буюмнинг якуний таннархи ва самарадорлиги аниқланади.

Лойихани амалга оширишда корхонанинг хусусий маблағи етарли бўлмаган тақдирда инновацион лизингдан фойдаланиш мумкин.

Лизинг капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг анъанавий банк кредити ва хусусий молиявий ресурслардан фойдаланиш усуллари муқобил бўлган ўзига хос шаклидир.

Лизинг компанияси, лизинг олувчи билан тузилган шартнома асосида, буюртма берилган қурилмалар, машиналар, асбоб -ускуналар (шу жумладан импорт бўйича олинган)ни таъминотчи корхоналардан сотиб олади ва ижарага беради. Лизинг корхоналарга зарур жихозларни ёки транспорт воситаларини бир вақтда катта миқдордаги харажатларсиз олиш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий эскириши билан боғлиқ йўқотишлардан халос бўлиш имкониятини беради.

Лизинг бўйича ижара тўловига шартномада белгиланган нормативлар бўйича амортизация ажратмалари, шунингдек, лизинг компаниясининг даромади киради. Агар шартномада, ижарага берилган мулкларга лизинг компанияси томонидан хизмат кўрсатилиши белгилаб қўйилган бўлса, лизинг бўйича тўлов миқдори хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар плюс шу суммага олинган фойда миқдorigа ортади.

- келишув объектини топшириш, ташиш, қабул қилиб олиш, ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва сақлаш бўйича томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

- лизинг тўловларининг миқдори, уларни тўлаш муддатлари ва тартиби;
- лизинг бўйича шартнома муддати;
- мулкни суғурта қилиш шартлари;
- шартнома муддати тугаганидан сўнг томонларнинг ҳуқуқлари;
- шартномани муддатидан олдин бекор қилиш шартлари.

Лизинг бўйича мулкни ижарага олиш уни сотиб олишдан кўра корхонага қимматга тушади: лизинг қийматига мулк баҳосидан ташқари, лизинг компаниясининг даромади ва суғурта тўловлари қўшилади. Шундай бўлсада, лизинг бир қатор афзалликларга эга, жумладан:

- машина ва қурилмаларни вақтинчалик фойдаланишга олиш имконияти туғилади;
- мулкни тўлик сотиб олишдан кўра фарқли равишда мулк қийматини бирданига эмас, балки қисмларга бўлиб тўлаш;
- лизинг компаниялари томонидан молиявий ва айрим ҳолларда муҳандислик-технологик ёрдам олиш.

II-БОБ. САНОАТ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. “Шовот дон ” ОАЖи фаолиятининг молиялаштириш ва ривожлантиришда акционерлик капиталидан фойдаланиш

Саноат корхоналари фаолиятини молиявий асосларни шакллантиришда корхоналарни ташкил этишда шакллантирилган низом жамғармаларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу маблағлардан асосий воситаларни сотиб олиш хама корхонанинг айланма маблағларни шакллантиришга, шунингдек талаб даражасида молиявий хўжалик фаолиятини юритиш учун лицензия олиш, ишлаб чиқаришга ноу-хауни жорий қилишга сарфланади. Шундай қилиб саноат корхоналарнинг бошланғич маблағлари махсулот ёки хизматнинг нархи шакллантириладиган ишлаб чиқариш жараёнига инвестиция қилинади. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ёки хизматни сотиш натижасида ушбу фаолият пул кўринишини олган ҳолда саноат корхонаси ҳисоб рақамига келиб тушади.

Қуйидаги 2.1.1-жадвалда саноат корхонасининг капитал ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўллари келтирилган.

Жадвалдан кўринадики, саноат корхоналарининг молиявий ресурсларни шакллантиришда корхонанинг фойдаси, амортизация ажратмалари, кредиторлик қарзлари, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, яъни акционерлик капитали, пай взнослари, суғурта взнослари, кредит ва қарзлар, саноат корхонаси мулкларини сотишдан тушумлар ва бошқа тушумлардан фойдаланиш мумкин

2.1.1-жадвал

Саноат корхоналарининг капитал ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўллари

Молиявий ресурслар манбаалари	Молиявий ресурслардан фойдаланиш						
	Капитал				Ношлар чиқариш жараёнига инвестициялар	Истеъмол учун харажатлар	Молиявий захира
	Тўғридан тўғри инвестициялар	Венчур капитали	Портфели инвестициялар	Аннуитет			
Фойда	*				*	*	*
Амортизация ажратмалари	*				*		*
Кредиторлик қарзлар	*	*			*	*	
Қимматли қоғозларни		*	*				*

сотишдан олинган маблағлар							
Пай взнослари	*				*	*	*
Суғурта взнослари				*			
Кредит и қарзлар	*	*			*	*	
Мулкларни сотишдан тушумлар			*				
Бошқа тушумлар	*				*	*	*

Акционерлик корхоналари капитали - бу фонд биржаларида ўз котировкасига эга бўлган ҳамда бир шахсдан иккинчи шахсга эркин холда ўтказилагидан шунингдек тақдим этувчисига утсунлик берувчи акцияларни муомилага чиқариш орқали акционерлик капиталини шакллантиришдан юзага келади.

Акционерлик жамиятлари томонидан ўз капиталини шакллантириш мақсадида қуйидаги турдаги қимматли қоғозлар эмиссия қилиниши мумкин:

- Акциялар;
- Облигациялар
- Векселлар;
- Хосилавий қимматли қоғозлар.

Саноат корхоналари томонидан ўз капиталини шакллантириш мақсадида чиқарадиган қимматли қоғозларининг энг кенг тарқалган тури акциялар ҳисобланади. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонуннинг 3 моддасида акцияга қуйидагича таъриф берилган:

Акция – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидентлар тарзига олишга, акциядорлик жамияти бошқарувида бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилгандан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз.

Бошқача қилиб айтганда, акция саноат корхонаси чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция ўз эгаларига, яъни акциядорларга ҳиссадорлик жамияти ихтиёридаги умумий мулкдан ўзига тегишли улушига ҳуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан акция бланкаларининг мажбурий реквизитлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Саноат корхонасининг номи ва жойлашган манзили.
2. Қимматли қоғознинг номи «Акция».
3. Навбат номери (рақами).
4. Чиқарилган вақти.

5. Акция тури (оддий ва имтиёзли).
6. Номинал қиймати ва тоифаси.
7. Эгасининг номи.
8. Акция чиқарилган акционер жамиятининг Низом жамғармасининг миқдори.
9. Муомалага чиқарилган акциялар сони.
10. Имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивиденд миқдори ва тўлаш муддати.
11. Саноат корхонаси ижроия органи раҳбарининг имзоси (бошқарув, дирекция).
12. Қимматли қоғозлар чиқарилган корхонанинг муҳри. Акциялар давлат тилида тўлиқ ёзилади.

Жамият аъзоларининг хошишига кўра бошқа тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Акция ҳужжатсиз шаклда чиқарилади. Акциялар эгасининг номи ёзилган, имтиёзли ва оддий бўлиши мумкин. Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларини рўйхатга олиш дафтарига киритилган жисмоний ёки юридик шахсга эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлиши акциядор деб эътироф этилади.

Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акция эгалари дивидентларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эгадир. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидентлар олиш ҳуқуқини беради.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби уставда белгиланиб қўйилади. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорларига акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкин.

Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, уларни тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидентларни тўлаш тартибини ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг уставига асосан амалга оширади.

“Шовот дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг эмиссияси рисоласидан кўринадик корхонанинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- буғдой хом-ашёсини қабул қилиш, жамлаш, сақлаш, буғдойни, тозалаш ва қайта ишлаш;
- Шовот туман ҳудудидаги барча жамоа хўжаликлари ғаллачиликка ихтисослашган мустақил фермер хўжаликлари ва ширкат уюшмаларида етиштирилган ғалла ҳосилини сотиб олиш ва қайта ишлаш;
- буғдой чиқиндиларни қайта ишлаш;
- ғалла ва тайёр маҳсулот билан бўладиган ишларни механизациялаштириш;
- ун ва омукта ем цехлари учун янги технологик жиҳозлар ўрнатиш;

- технологик ускуналарни чангсизлантириш ва атмосферага чиқариладиган чиқиндилардан тозалаш;
- олинган тайёр маҳсулотларни қўшимча маҳсулотларини истеъмолчиларга бозоргир килиб етказиб бериш;
- Ун ва омухта маҳсулотлари сифатини техник назорат билан таъминлаш;
- Бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнатнинг прогрессив шаклларини такомиллаштириш ва жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқариш;
- Ун ва омухта маҳсулотлари сифатини классификация талаблари бўйича сертификациясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ишларида қатнашиш;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- юкни ортиш, тушириш ва ташиш операциялари учун янги юқори усулли ускуналар ва механизация воситаларини тайёрлаш;
- йўл қўйилган доирада ташлаш нормаларини инобатга олиб, ҳаво ҳавзаси, тупроқ ва сув ҳавзаларини чиқариш, чиқиндиларидан муҳофаза қилиш юзасидан янги техника тадбирларини, тармоқни ишлаб чиқариш цехларида ходимларга яхши санитария-гигиена ва хавфсиз иш шароитларини яратиш;
- механизация ва автоматизация воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;
- тармоқни бошқаришни ташкилий тузумларини, иқтисодий меъёрлар ва нарх белгилаш, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва хўжалик ҳисобини, шунингдек қайта ишловчиларни ғалла етиштирувчилар ҳамда ғалладан тайёрланган маҳсулотларини истеъмолчилари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш;
- тармоқ корхоналарини самарали ишлашини таъминлайдиган меъёрий техник ва услубий ҳужжатларини тайёрлаш, хўжалик ҳисобини автоматлаштириш ва дастурлаш;
- юқори истеъмолчилик хусусиятига эга бўлган сифатли ва рақобатбардошли янги истиқболли ун ва омухта ем маҳсулотларини сифатини яратишга қаратилган муҳандислик-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказишга иштирок этиш;
- ун ва омухта ем маҳсулотларини стандарт намуналарини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишни ташкил этиш. Ўлчовларни бажариш услубиятларини функциялаш, стандартлаштириш ва аттестация қилиш бўйича ишларда қатнашиш;
- ўлчанадиган параметрлар номенклатураси ўлчовларининг аналитик меъёри ўлчовларни бажариш услубиятида қўлланадиган ўлчов воситаларининг тайёр маҳсулотлар, хом-ашё ва материаллар сифат кўрсаткичларини ўлчов аниқлиги меъёрларига технологик ускуналар минимал меҳнат талаб қилиш ва белгиланган назорат аниқлиги талабларига тўғрилигини белгилаш бўйича иш олиб боришда қатнашиш.
- Технологик жараёнлар ва иш жараёнларини аттестация қилишда технологик ускуналарни белгиланган аниқлик меъёрларига мослигини текширишда қатнашиш;

- хорижий жамиятлар, илмий тадқиқот конструкторлик ташкилотлари республика ва МДХ мамлакатлари корхоналари билан фойдали иқтисодий илмий техникавий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига ва фермер хўжаликларига техника хизматини кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига ва фермер хўжаликларини маҳаллий ўғит билан таъминлаш;
- фермер хўжаликларига биолобаратория хизматларни кўрсатиш;
- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотиш;
- нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш
- макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун ва ун маҳсулотларини чакана ва улгуржи сотиш;
- улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш;
- ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- жамият ишчи ва ходимларга керакли дори-дармонларни етказиб бериш мақсадида хусусий дорихоналар очиш;
- автомобилларни электро пайвандлаш;
- умумовкатланиш фаолияти билан шуғулланиш;
- салқинлантирувчи ичимликлар ва музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қурилиш ва хўжалик молларини чакана ва улгуржи сотиш;
- экспрес тулов карточкаларини сотиш;
- уяли телефон аппаратларига мусиқа ёзиш ва таъмирлаш;
- жамият қошида кафе бар ва мехмонхоналарн ташкил қилиш;
- информуюцион технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда компьютерларга дастурий техник хизмат кўрсатиш;
- ташкилот, корхоналар ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш;
- тўй ва ҳар хил маросимларга хизмат кўрсатиш (стол, стул ва идишлар)
- чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш;
- омухта ем сотиш фаолиятлари билан шуғулланиш;
- савдо-сотик ва воситачилик фаолияти, Халк истеъмол товарларини улгуржи ва чакана савдосини ташкил қилиш;
- тикувчилик ва тукувчилик фаолияти;
- турли хил махсус иш (спецодежда) кийимлари тикиб сотиш;
- устки ва ички трикотаж маҳсулотларини тикиш ва сотиш;
- жамият, ташкилот, муассасалар учун зарур булган товар. хом аше моддий бойликларни етказиб бериш;
- пластмасса эшик ромлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- металл буюмлар ишлаб чиқариш ва сотиш (эшик ва бошқалар);
- чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, паррандачилик ва балиқчилик билан шуғулланиш;
- жамият ўз мулкани республика худудида чет элларда жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш ва аксинча уларни мулкани ижарага олиш;
- Республикадан ташқарида қонун асосида бартер фаолиятини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жамиятнинг бўш турган бино-иншоотлари ҳамда транспорт воситаларини ижарага бериш ва ижарага олиш;

2007-2009 йиллар давомида “Шовот дон маҳсулотлари” АЖнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш динамикасини кузатиш мумкин (2.1.2-жадвал) .

2.1.2-жадвал

“Шовот дон маҳсулотлари” АЖнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси*

№	Иқтисодий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми				
	Жорий нархларда	млн. сўм	3520416	4405285	5666228
	Реал нархларда	млн. сўм	3700626	4143574	4809832
2	Асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш:				
	Ун	тн.	16152	16928	13175,7
	Комбикорма	тн.	3340,6	6595	8620
3	Саноат ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатаётган ходимлар сони	киши	131	142	140

* Изоҳ: корхона маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўрниб турибдики, 2009 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5666228 млн.сўмни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 1,6 мартага ошган. Ун ишлаб чиқариш эса 2007 йилда 16152 тонна, 2008 йилда 16928 тонна, 2009 йилда 13175,7 тоннани ташкил қилган қилган. Шунингдек, 2007 йилда 3340,6 тонна комбикорма ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда 8620 тонна ишлаб чиқарилиб, 2,6 мартага ошганлигини кўриш мумкин ва саноат корхонасида ишлаётган ходимлар сонинг ўсишини ҳам кўриш мумкин.

2.1.3-жадвал

“Шовот дон маҳсулотлари” АЖнинг 2010 йил бўйича молиявий кўрсаткичлари (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
Сотилган маҳсулотлардан (иш,хизмат) олинган даромад	9857525
Сотилган маҳсулот таннархи	8580428
Давр харжатлари	1018925
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	25735
Молиявий фаолият даромадлари	2725
Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар	52705
Солиқлар тўлагунга қадар бўлган молиявий натижа	233927
Фойда солиғи	39064
Бошқа солиқлар	15548
Соф фойда	179315

2.1.3-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки “Шовот дон маҳсулотлари” АЖ 2010 йил давомида сотилган маҳсулотлардан (иш,хизмат) олинган даромад 9857525 минг сўмни ташкил қилган, сотилган маҳсулот таннархи эса 8580428 минг сўмни ташкил қилиб, корхона соф фойдаси 179315 минг сўмни ташкил қилган.

Сўнгги йилларда “Шовот дон маҳсулотлар” АЖ ида акционерлик маблағларидан фойдаланиш самарали амалга оширилмоқда. Акционерлик жамиятининг 5 % ортиқ акцияларини турли хил мулк шаклидаги таъшилотлар эгаллик қилади. Масалан, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси эмитент сифатида 921655 дона акцияга эга бўлиб, “Шовот дон маҳсулотлари” АЖининг устав фонидидаги улуши 51 % ни ташкил қилади. Шунингдек, устав капиталининг 29 % акцияси жисмоний шахсларга тегишлидир.

“Шовот дон маҳсулотлари” АЖнинг барқарор суръатларда ишлаш фаолияти акционерлик капиталдан унумли фойдаланганлигидир. Ушбу саноат корхонаси акционерлик жамиятига айлантирилгандан сўнг, фаолиятини кўп тармоқли қилиб кенгайтирди ва кўп ассортиментда халқ истеъмолчи товарларини ишлаб чиқара бошлади. АЖининг акцияларни сотишда мол-мулк қиймати муҳим аҳмият касб этади. 2011 йил 1 январь ҳолатига корхонанинг мол-мулк қиймати қуйидагича бўлган (2.1.4-жадвал):

2.1.4 - жадвал

**“Шовот дон маҳсулотлари” АЖи мол-мулкининг қисқача тавсифи
(минг.сўмда)**

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, АЖида

Асосий фондлар гуруҳининг номи	Бошланғич қиймат (бухгалтерия балансининг асосий воситаларни охириги қайта ҳисоблаш бўйича маълумотларига кўра)	Эскириш суммаси	Қолдиқ қиймати
1	2	3	4
Бинолар	280219	72170	208049
Иншоотлар			
Узатиш мосламалари, транспорт воситалари	179828	60785	119043
Машина ва ускуналар	928553	822586	105967
Бошкалар	111295	45550	65745
Жами:	1499895	1001091	498804

биноларнинг бошланғич қиймати 280219 минг сўмни ташкил қилган бўлса, эскириш суммаси 72170 минг сўмни ташкил қилган ва қолдиқ қиймати 208049 минг сўмни ташкил қилган. Узатиш мосламалари, транспорт воситаларининг бошланғич қиймати 179828 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 60785 минг сўм эскириш суммаси, 119043 минг сўм қолдиқ қийматини ташкил қилган. Машина ва ускуналарнинг бошланғич қиймати 928553 минг сўмни ташкил қилган. Эскириш суммаси эса, 822586 минг сўмни ташкил қилиб, қолдиқ қиймати 105967 минг сўмни ташкил қилган.

2.2. Корхона фаолиятини молиялаштиришда молиявий режалаштиришнинг моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида молиявий режалаштириш орқали солиқлар тўлангандан кейин ўз ихтиёрида қоладиган фойдани ишлатиш йўналишларини белгилаб олади.

Молиявий режалаштиришдан кўзланган мақсад молиявий ресурсларнинг, капитал ва захираларнинг кутиладиган хажмларини молиявий кўрсаткичлар катталикларини прогнозлаш асосида аниқлашдан иборат. Молиявий режалаштиришнинг муҳим жиҳати унинг стратегияси, яъни хўжалик субъектларининг даромад (фойда) ва харажатлар марказларини аниқлашдир. Хўжалик субъектларининг даромад маркази унга максимал фойда келтирувчи бўлинмаси ҳисобланади. Харажатлар марказига хўжалик субъектларининг кам рентабелли ёки умуман нотижорат бўлган, лекин умумий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим роль ўйнавчи бўлинмалар ҳам киради. Масалан, араб давлатларидаги кўплаб фирмалар «саксонга йигирма» қоида-сиғирига риоя қиладилар, яъни 20% капитал сарфи 80% даромад келтириши шарт. Демак, қолган 80% капитал қўйилма фақат 20% фойда келтиради.

Корхоналарда молиявий режалар 5 йилга, бир йилга ёки чорак учун тузилади. Шунга мос ҳолда режалар истиқболли (стратегик, шу жумладан 5 йиллик), жорий ва оператив бўлади. Истиқболли молиявий режаривожланган ишлаб чиқаришнинг суръати ва нисбати каби муҳим кўрсаткичларини белгилайди.

Молиявий режалаштириш саноат корхонасини бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, корхона пул маблағларни ташкил этиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ишлатиш жараёнини бошқаришдир.

Молиявий режалаштиришни асосий объекти - молиявий ресурслардир. Улар жами ижтимоий маҳсулот ва корхона ялпи даромадининг манбаи бўлиб, уларнинг таркибига саноат корхонасининг пул жамғармалари, амортизация ажратмалари, ташқи иқтисодий алоқалардан тушадиган тушумлар, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолидан тушадиган даромадлар киради. Молиявий ресурсларнинг ташкил топиши тақсимланиши ва ишлатилиши кредит маблағларнинг ҳаракати билан, ишлаш доираси бир-биридан ажралишига қарамай (баъзан улар бир-бирини тўлдиролди ва хаттоки пул маблағларини бир-бири билан алмаштирилади), ўзаро боғланган. Шунинг учун саноат корхонаси томонидан қараб чиқилганда молиявий режалаштириш ўз ичига кредитни режалаштиришни ҳам олади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий мақсади бўлиб:

- молиявий ресурслар хажмининг ўсиши ва уларга бўлган эҳтиёжлар кўпайиши мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиши манбаларни кўпайиши мослигини таъминлаш; ресурсларни ташкил топиш манбаларини ва иш манбаларни сарфлашда конкрет йўналишларини аниқлаш; халқ хўжалик соҳалари ва регионлар орасида уларнинг тақсимланишини оптимал ва пропорционал равишда белгилаш майдонга чиқади.

Молиявий режалаштириш дастлабки ва жамланган бўлиб, молиявий режаларни тузиш ва ижро этиш орқали амалга оширилади.

Молиявий менеджерлар режанинг мезонларини бир хил қилиб олишолмайди, чунки мезонлар субъектив бўлиб, уларга маълум даражада ташқи шароитлар таъсир этади. Аммо, режалаштириш хеч қачон тўлиқ хавфсизликда бўлишлигини таъминламаш ва инқирознинг олдини олишга ундайди.

Молиявий менеджер қуйидаги усулларни ўрганиши шарт:

-айланма капиталга таъсир этувчи омиллар: хом-ашё, материалларнинг бахоси, ишчиларнинг олиш, сотув бахоси, кредит шартлари, капиталнинг айланиши(пулнинг товарга ва қайта пулга айланиш даври);

-даромадга таъсир этадиган омиллар олдини олиш ва hozirги солиқ қонунлари, хорижий валюта курси, рақобат капиталга, акционер капиталига, кредитга таъсир этувчи омиллар инфляция ва ҳукумат сиёсати, фоизлар ставкаси, тўлов баланси, капиталга умумий талаб, инвестицион сиёсат(масалан: акционер капиталга қарашли мулк).

Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда одатда режалаштириш усуллари ҳам фойдали бўлмаслиги мумкин. Уларга ташқи шароитлар таъсирининг етарли эмаслиги ҳосдир. Эгилувчан тизимли режалаштириш, асосида, борган сари кўпроқ ташқи шартларнинг ривожланишга тааллуқли ҳар хил таклифларга асосланган фаолият тадбирлари ишлатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ривожланишига имкон бўлган йўллари ўрганиб ва ишлаб чиқиш прогнозлаштириш зарур унинг асосий вазифаси - келажак даврда молиявий ресурслар ҳажми аниқлаш, уларнинг манбаларини ифодалаб ва иложи борича самаралироқ ишлатиш йўллари белгиламоқдир.

Прогнозлаш, молиявий сиёсатни амалга оширишлар пайдо бўлаётган шароитларни яхшилаб ўрганиб ва кўриб чиқишга имкон яратади, ички ва ташқи шароитларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб, саноат корхоналарини молиялаштириш ва бозор шароитида фаолиятини мустаҳкамлашга келажакда молиявий стратегияни аниқлашга имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари тараққиёти шароитларини ташкил этишда бошланғич бўлиб - прогнозлаштириш (ёки истикболни белгилаш) майдонга чиқади. У ўз ичига, қуйидагиларни олади:

Биринчидан, акция курсини, қурилишга берилган лицензиялари буюртмаларини ҳажмини, асбоб ускуналарни етказиб бериш каби бозор кўрсаткичларни синчиклаб кўзатиш. Тегишли статистик қаторлар кўпинча умум иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида огохлантиради.

Иккинчидан, прогнозлаштириш моделларининг ҳар бири иқтисод соҳасининг у ёки бу томонини илмий тавсифини берган ҳолда фойдаланишни мўлжаллайди. Модел ичига динамик (ўзгаришларга бои) кўрсаткичлар ҳам киритилади, шу қаторда фискал амалиётида юз бериши мумкин (эҳтимоли) бўлган ўзгаришлар ҳам зътиборга олинади. Натижа бўлиб, келгуси йилга иқтисодий ўсиш, меҳнат ва капитал бозорларнинг ахволини прогнози бўлиши керак.

Конъюнктуравий прогноз бахолари сиёсатчиларга керак бўлгани каби, тадбиркорлар учун инвестициялар, махсулотни ишлаб чиқариш хажми ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида мўлжал бўлади.

Эътибор бериш керакки, амалиётда иқтисодий прогнозлаштириш бахоларнинг тўғрилигани етарли даражада кўрсатиб ва тасдиқлаб бера олмайди, чунки йирик иқтисодий ўзгаришларни прогнозлаштириш хизмати олдиндан кўра олмайди. Прогнозлаштиришга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири иқтисодий сиёсатнинг мафкуралаштиришдир. Молиявий режалаштириш жараёни иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бундай иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагилардир: махсулот ишлаб чиқариш, таннарх, фойда ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий режалаштириш жараёнини амалга ошириш анча қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келинмоқда.

Молиявий режаларни тузиш жараёни асосан уч босқичда олиб борилади:

Биринчи босқич - ўтган базис йилида эришилган хамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, масалан, ишлаб чиқариш режаси, махсулот реализацияси, таннарх, асосий ва оборот фондларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабилар бўйича чуқур иқтисодий тахлил қилинади. Иқтисодий тахлил жараёнига даромадларнинг кўпайтириш йўллари, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари ва чора кўрилди хамда шулар асосида хомаки ҳисоблар хал қилинади.

Иккинчи босқичда - биринчи босқичдаги маълумотларга асосланиб, даромад ва харажатларнинг конкрет турлари бўйича молиявий ҳисоб-китоблар қилинади. Маълумки, молиявий кўрсаткичлар синоптик характерга эгадир, улар бутун ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий яқунларини кўрсатади. Дастлаб, шу кўрсаткичларга асосланиб ишлаб чиқаришнинг ўсиши юзасидан хулосалар қилинади ва шу асосда молиявий кўрсаткичларни ўсиши ҳисоб-китоб қилинади.

Учинчи босқичда - даромадлар ва харажатлар тенглаштирилади, иқтисодий тахлил жараёнида даромадлар ва харажатларни ўсиш ёки камайиш тенденцияси аниқланади. Молиявий режалаштириш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилади: баланс, норматив, коэффициент, иқтисодий тахлил ва бошқалар. Ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган барча молия режалари йиғиндиси молия режалари тизими деб юритилади. Бу молия режалари тизими минтақаларда, худудларда пул маблағларни тақсимлашни, пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни, такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиянинг алоҳида звенолари ролининг фойдаланишини ўз ичига олиш. Молиявий режалаштириш жараёнида бир неча хил режалар тузилади. Молия режалари тизимида соҳаларда молия асосий ўринни эгалайди ва бу ерда даромадлар ва харажатлар айниқса муҳим рол ўйнайди. Хозирги пайтда корхоналар молиявий режалари бизнес режалар деб юритилмоқда.

2.3. Саноат корхоналари фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида белгиланган иқтисодий ислохотларни ўзига хос модел асосида амалга оширишга йўналтирилган беш тамойил мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишида муҳим аҳамият касб этади ва ҳаётини кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ушбу асарда инқирозга қарши бир қатор дадил тадбирларни, хусусан, саноатни модернизация қилиш, технологик янгилаш ва инновацион технологиялар масалалари, шунингдек, 2009 йилда жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш ва навбатдаги ривожланиш босқичига ўтиш бўйича 6 та устивор вазифаларни белгилаб берилган.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шароитларини шакллантириш, барча соҳаларни ислох қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқиши мамлакат раҳбарияти иқтисодий ва молиявий сиёсатининг мантикий давоми бўлиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ифодалайди. Дастурни, моҳиятига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози гирдобига тушиб қолган бошқа мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бунда Президентимиз Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китоби муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Президентимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган. Инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга йўналтирилган амалий тавсиялар берилган.

Маълумки, йирик ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён муттасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги, давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани, ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ўлчаб туриш оқибатида жаҳон капитал бозорида арзон кредитларнинг вужудга келиши, ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз равишда бўшаштириб юборилганлиги, молиявий институтларнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши, жаҳон иқтисодиётида реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатни кескин ўзгариши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқишига сабаб бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миқёси, кўлами ва оқибатлари авваламбор, муайян мамлакатнинг молия-валюта тизимининг қай даражада ривожланганлиги, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига эга эканлиги) ҳамда уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканлигига, мамлакатнинг олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, диверсификация ва рақобатбардошлилик даражаси каби омилларга боғлиқдир.

Бундай омиллар турли мамлакатларда турлича таъсир кўрсатиши ва инқирозга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши зарур. Айни пайтда инқироздан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг ўзъаро уйғунлигига боғлиқдир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, 2008 йилнинг декабр ойида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармасининг миссияси томонидан кўплаб давлатларда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ва ривожланган давлатлар иқтисодий салоҳияти пасайиши кузатилаётган бир пайтда, 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги сақлаб қолинганлиги, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 фоизни ташкил этганлиги, мамлакатда ташқи савдо баланси ва бюджетнинг сезиларли профицити, валюта захираларининг очаётганлиги ва пул-кредит сиёсати барқарорлиги сақланаётганлиги эътироф этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели нақадар тўғри ва пухта эканини яна бир бор исботлади.

Авваламбор, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар дунёда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг ҳаётийлигини намоён этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан асрайдиган ҳимоя воситасини ўтамоқда.

Аммо, Президентимиз таъкидлаганидек, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деб қараш мумкин эмас. Глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон ҳам жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини ҳис этмоқда.

Хусусан, жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитларнинг нархи тушиб бормоқда. Асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид, тўлов қобилятининг пасайиши экспорт тушумининг камайишига олиб келмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг тўғри танланганлиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва юмчатиш имконини берадиган омилларнинг шакллантирилганлиги ушбу инқирознинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва капиталлашув даражасини очиришга қаратилган сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2005-2008 йилларда Президентимизнинг тижорат банкларининг капиталлашув даражасини очиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш мақсадида 491 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида инфляцияни прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолишга эришилмоқда. Бюджет - солиқ сиёсати тўғри олиб борилаётгани туфайли Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда, солиқ юки мунтазам пасайиб бормоқда. 2008 йилда Давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришларни амалга оширишга муваффақ бўлинди.

2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил етди.

Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 2008 йилда иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестициялар 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Шуниси аҳамиятлики, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизи тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда мамлакатимизга 1 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз ташқи қарзининг мўтадил даражасини таъминлашга муваффақ бўлинди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлар

асосий куч сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу боис фермер хўжаликларини кўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан катта миқдорда моддий ва молиявий ресурслар ажратилмоқда. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди. Жорий йилнинг ўтган даври якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда.

Мазкур дастурда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мосланувчан юқори технологияларни кенг жорий этиш, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини ошириш, корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (кўшимча қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини узайтириш, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муҳим имтиёзлар беришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш, жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш каби ғоят муҳим вазифалар белгиланган.

Гўшт ва сутни қайта ишлачга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шarti билан ягона солиқ тўлови ставкасини 2012 йилнинг 1 январига қадар 50 фоизга қисқартириш, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш кўзда тутилган.

Инқирозга қарши чоралар дастурида акс этган бундай тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишда, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли

китобида баён этилган, ҳар томонлама пухта ўйланган жаҳон иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури миллий иқтисодиётимизни янада барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ушбу дастур мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг ишончли механизмини яратиш имконини бергани алоҳида таъкидлаш лозим. Юртбошимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, банк ва молия тузилмаларини кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илғор инновацион технологиялар асосида, жумладан, қайта ишланган хом ашёдан харидоргир, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарали чоралари яратилди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида ҳудудий бандлик дастурлари, ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш, биринчи навбатда қишлоқларда янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш давлатимиз томонидан кенг кўламда кўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми ортмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, бу борадаги қонунчилик мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Дунёнинг кўплаб давлатларида ижтимоий дастурлар кескин қисқартирилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистонда, аксинча, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналишлардан бирига айлангани таъкидлаш мумкин. Мақсадли давлат дастурлари, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги муҳим ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш изчил давом этмоқда ва бу халқимиз фаровонлигини ошириш учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Айни пайтда энг илғор халқаро стандартларга мос келадиган кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қатор мамлакатлар етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кенгайтириб бораётгани бунинг далилидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш, ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик давлат қуриш борасида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган тамойилларга асосланган оқилона сиёсат юритилаётганининг натижаларидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида баён этилган, ҳар томонлама пухта ўйланган жаҳон иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури ва қабул қилинган фармонларга биноан республикада молиявий-иқтисодий инқирозга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар:

1. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлашни кучайтириш.

2. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологиларни кенг жорий қилиш.
3. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини қўллаб қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар.
4. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш мақсадида энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.
5. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали республикадаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш.
7. Республика инвестиция сиёсатини янада жадаллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида жаҳон молиявий инқироzi шароитида саноат корхоналарининг қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган:

- маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини яратиш;
- экспорт қилувчи корхоналарга солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш;
- корхоналарга бериладиган банк кредитларини камайтириш;
- корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағлар ажратиш.

Шунингдек ушбу рисолада саноат корхонаси фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун экспортни рағбатлантиришда қуйидаги чора-тадбирлари белгилаб берилган:

- айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва тўловлардан озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш;

- қатъий тежамкорлик тизмини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

ХУЛОСА

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари фаолиятининг молиялаштириш манбалари ва улардан оқилона фойдаланишнинг илмий ва назарий асослари ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари барқарор ривожлантириш, уларни молиясини ташкил этиш ва шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди.
2. Ўзбекистонда саноат корхоналарини молиялаштиришда хорижий ва ички инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари очиб берилди.
3. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини молиявий активларини бошқаришда лизинг хизматлари ва сервисининг ўрни, шунингдек, иновация лизингини ўрни ва роли очиб берилди.
4. Ишда “Шовот дон маҳсулотлари” АЖи фаолияти таҳлил қилиниб, молиялаштириш манбалари ва акционерлик капиталидан фойдаланиш даражаси ўрганилди.
5. Саноат корхоналарнинг молиялаштириш манбалари ва ривожлантириш истиқболларининг муҳим йўналишларидан бири молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ва роли очиб берилди.
6. Республикамизда инқирозга қарши чора тадбирлар дастурига мувофиқ равишда саноат корхоналарини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари очиб берилди.
7. Бугунги интеграциялашув жараёнида инвестиция киритилаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестициялар ва чет эл капитали асосига қурилган саноат корхоналари ўзларининг муҳим стратегик ўсиш режаларига ва истиқболларига эга бўлмоқда. Бунда саноат корхонаси ўзининг молиявий аҳволини барқарорлашувида чет эл капитали асосига муҳим қўлланмага эга бўлиши муҳимдир.
8. Саноат корхоналари молиялаштиришнинг муҳим манбалари сифатида инвестицион сиёсат қуйидаги йўналишларда бўлмоғи лозим бўлади:
 - иқтисодиётнинг таркибий қуролланишида, шунингдек такомиллашувида инвестицияларнинг фаол ҳаракатланиши;
 - Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувида алоҳида талаблар асосида муомалага киришиш;
 - инвесторлар билан бўладиган муносабатда «очиқ эшиклар» сиёсатини юритиш, бунда технологик таъминот ва иқтисодиётнинг нисбатан кам ривожланган соҳаларини такомиллашувига йўналтирилган лойиҳалар билан имкон қадар кўпроқ ишлаш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., Ўзбекистон, 2009.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтшнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1995.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 21 январь.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги қонуни. «Солиқ тўловчининг журнали», №2, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни «Солиқ тўловчининг журнали» №9, 1998 йил 30 апрел.
8. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.к., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Тошкент. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003.
9. Абулқосимов Х. Корхонанинг халқаро маркетинг фаолияти. Тошкент, «Академия» нашриёти, 2002.
10. Акио Морита. Сделано в Японии. М.: «Знание». 1991.
11. Бизнес план фирмў. Буrow В.П. и др. М.: «ЭКМОС», 2000.
12. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., «Ўқитувчи». 1996.
13. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес-режанинг моҳияти. Маъруза матни, Абдукаримов Б.А. Самарқанд, 1997.
14. Вечный дух предпринимательства. Кадзуми Татенси. Киев. «Укрзакардонвизасервис». 1992.
15. Ворст Й., Ревентлоу П. Экономика фирмы. Учебник. (перевод с датского). М.: «Высшая школа», 1994.
16. Гозибеков Д.Е. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т. «Молия», 2003
17. Головкова Н.С., Заболатная Н.В., Ҳербакова И.Г. Финансова-экономическое состояние предприятия: Учебное пособие. БУПК. Белгород, 2003.
18. Гозиев Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия» – 2003 й.
19. Гуломов С.С. Инвестицияларнинг лойихавий таҳлили. Т.: 1998 йил.

20. Давидяну Д.Б. Показатели и оценка эффективности и экономики в условиях рыночных отношений (Макро и Микроуровни). Ставрополь. “Кавказский край”, 1998.
21. Захаров А.Н. и др. Управление качеством продукции. Учебное Пособие, БУПК. Белгород. 2003
22. Игошин Н.В. «Инвестиций»- М.: «Финансы»,. 1999
23. Ионов В.И. «Инвестиционное проектирование» –М.: «Издельство ПРИОР», 1998
24. Ишмухамедов А.Э., Ахмедов Д.К. «Лойиха тахлили» –Т.: ТДИУ, 1998
25. История менеджмента. М.: “ИНФРА-М”. 1997.
26. Как работают японские предприятия. М. “Экономика”, 1989.
27. Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. Киев “ЛИБРА”, 1995.
28. Корхонанинг бозор модели. Маъруза матни. кутбетдинов А.Т., Абдукаримов Б.А., Самарқанд 2000.
29. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2002.
30. Пардаев М.қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма, I-II қисм. - Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. Нашриёт уйи, 2001
31. Парпиев У., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Т. “Шарқ”. 1996.
32. Райзберг Б.А. Основы экономики. Учебное пособие. М.: “ИНФРА-М”. 2000.
33. Рубин Ю.Б. Бизнес и экономика. М.: “Знание”. 1991
34. Современная экономика, Учебное пособие. Коллектив авторов. Ростав-на-Дону, “Феникс”. 1996.
35. Сулейманов Ш.С. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Ўш. 1998.
36. Чжен В.А., ва бошқалар. Хусусийлаштириш асослари. I, т., Т., “Иқтисод ва ҳуқуқ уйи”. 1996.
37. Чжен В.А., ва бошқалар. Пул ва молия бозорлари. II, т., Т., “Бизнес каталог”, 1996.
38. Чжен В.А., ва бошқалар. Бозор қонуниятлари асослари. III, т., Т.. “Бизнес каталог”, 1996.
39. Чжен В.А., ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт IV, т., Т., “Бизнес каталог”. 1996.
40. Чжен В.А., ва бошқалар. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. V, т.. Т., “Бизнес каталог”. 1997.

